

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ИННОВАЦИОН РЕЙТИНГЛАР ВА ИНДЕКСЛАР ЎРНИ**

**Муҳаммадамин Ҳамроқулов**

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

**Амалий сиёсатшунослик йўналиши 1 босқич магистранти**

**[muhammadaminhamroqulov@gmail.com](mailto:muhammadaminhamroqulov@gmail.com)**

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.6830922>**

Жорий йилнинг 20 сентябр кунини Ақшнинг Корнелл университети, Франциядаги Insead бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти “Global innovation index” рейтингини эълон қилди. Жаҳон инновацион индексида Ўзбекистон 86 мамлакатдан 132-ўринни эгаллади. Илгари мамлакат 93-ўринни 2020 йилда ва 122-ўринни 2015 йилда эгаллаган эди, дея хабар беради Trend Ўзбекистон инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятига таяниб.

20 йил 2021 сентябрда нашр этилган “Global innovation index” COVID-19 инқирози шароитида инновацион ривожланиш деб номланган. Бу жараён инқирозининг халқаро инновацион кўрсаткичларга таъсирини баҳолашага юқори таъсирини намоён этди .

Глобал инновациялар индекси (The Global Innovation Index) АҚШнинг Корнелл университети, Франциянинг Insead бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатлардаги инновацион ривожланиш даражасини баҳолаш учун ишлаб чиқилган тадқиқотдир. Глобал инновациялар индекси иқтисодий ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатларнинг инновацион ривожланишини баҳоловчи 81 та кўрсаткичдан иборат. Ушбу индекс иккита кичик индекснинг ўртача кўрсаткичи асосида ҳисобланади. Биринчи кичик индекс инновациялар учун мавжуд ресурслар ва шарт-шароитларни - институтларнинг ривожланиш даражаси, инсон капитали ва илмий тадқиқотлар, инфратузилма, ички бозор ва бизнесни ўз ичига олади. Иккинчи кичик индекс инновацияларнинг амалий натижаларини (Innovation Input) - технологиялар ва билимлар иқтисодиётини ривожлантириш, шунингдек, ижодий фаолият натижаларини ўз ичига олади.

Мамлакатимизда инновацияларни жорий этиш учун мавжуд ресурслар ва шарт-шароитлар суб индексида ўтган йил якунлари 6 поғонага кўтарилиб, 75-ўринни эгаллаган бўлса, инновацияларни жорий этишнинг амалий натижалари кичик индексидан эса кўтарилди. 18 поғонага юқорилаб, мос равишда 100-ўринни эгаллади.

Рейтинг кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон жаҳонда қуйидаги кучли кўрсаткичларга эга: “Фан ва техника йўналишидаги битирувчилар сони” – 7-ўрин, “Бизнес юритиш қулайлиги” – 8-ўрин, “Меҳнат унумдорлиги” – 8-ўрин, “Ялпи капитал” шакллантириш” - 7-ўрин , “Таълимга давлат харажатлари” - 28-ўрин .

2021-йилда Ўзбекистон даромади ўртача паст бўлган давлатлар орасида 10-ўринни эгаллади. Ушбу гуруҳ мамлакатлари орасида Ўзбекистон институтлар, инсон капитали ва илм-фан, инфратузилма ва ички бозорни ривожлантириш кўрсаткичлари бўйича етакчи ҳисобланади.

Глобал инновациялар индекси рейтингида Швейцария 1, Хитой 12, Россия 45, Қозоғистон 79, Қирғизистон 98 ва Тожикистон 103-ўринни эгаллаган. Албатта 2030 йилга келиб Ўзбекистон халқаро инновациялар индекси рейтингига кўра 50 та илғор давлатлардан бирига айланиш ниятида.

Ўзбекистонда инновацион ривожланиш стратегиясининг асосий мақсадларини қуйида келтирилган:

барча даражадаги таълим сифати ва қамровини яхшилаш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, иқтисодиёт еҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш тизимининг мослашувчанлигини таъминлаш;

тадқиқот ва ишланмаларнинг илмий салоҳияти ва самарадорлигини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот, ишлаб чиқиш ва технологик ишлар натижаларини кенг миқёсда амалга ошириш учун фан, таълим ва бизнесни бирлаштиришнинг самарали механизмларини яратиш;

инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларини давлат ва хусусий молиялаштиришни ошириш, инновацион молиялаштиришнинг замонавий шаклларини жорий этиш;

ҳукуматнинг роли ва самарадорлигини ошириш, давлат бошқарувининг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш;

мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ва тенг бизнес шароитларини яратиш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

барқарор ишлайдиган инфратузилмани яратиш.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистоннинг ГИИдаги рейтингини таълим ва илм-фан йўналишларида даражасини янада ошириш бўйича ҳам инновация соҳасида меъёрийҳуқуқий база ҳам кучайтирилди бунга биргина мисол Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунлар, “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ҳамда “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш

концепцияси”ни қабул қилинганлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, мамлакатимизда рейтинглар билан ишлаш борасида норматив ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича манзилли ишлар амалга оширилди, бу ишларнинг далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 13 ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида” ги Фармони<sup>14</sup> қабул қилингани мамлакатимизда халқаро рейтинглар билан ишлашга биринчи қадам ташланди .

Ушбу Фармон асосида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши тузилиб, унга раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, кенгаш раиси ҳисобланиши, мамлакатнинг устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш хизмат қилади ҳамда 2030 йилга мўлжалланган мақсадга етишга замин яратади.